

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МўМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ўрнида
УДК 330.163.11

АСРАРОВА Зулайҳо Кубетдиновна

ШАХС ЭҲТИЁЖЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Ихтисослик: 09.00.11 - ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Б.А. №	801250
«14» 10. 2003 г.	

ТОШКЕНТ – 2003

128/СЧ33)

А - 15

Диссертация Фарғона Давлат университетининг
фалсафа кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

фалсафа фанлари доктори,
профессор **М.Абдуллаев**

Расмий оппонентлар:

фалсафа фанлари доктори,
профессор Ў.Абилов

фалсафа фанлари доктори
Ф.Абдураҳмонов

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Юридик институти

Ҳимоя 2003 йил 14 нафедр соат 14⁰⁰ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институти қошидаги Д 015.03.02 раҳамли фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган Кенгаш йигилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-үй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин /700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-үй /.

Автореферат 2003 йил 10 октабр да тарқатилди.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларингизни Ихтисослашган кенгаш илмий котибига /700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-үй/ юборишингизни илтимос қиласиз.

Ихтисослашган кенгаш

**илмий котиби, фалсафа фанлари
номзоди, доцент**

Ж.Маҳкамов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Республикамиз ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳият-мазмуни инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этадиган ҳаёт тарзини яратишга қаратилгандир. Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, ижтимоий тараққиёт йўлидан дадил бораётган ҳозирги шароитда қўлга киритилаётган салмоқли натижалар айни вақтда ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, манфаатларини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рӯёбга чиқаришнинг асосий замини бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, шахснинг оқилона эҳтиёжларини таркиб топтириш механизмларини илмий асослаш ва таҳлил қилиш ўта долзарб аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда событқадамлик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ишлаб чиқариш тизимида таркибий ўзғаришларнинг амалга оширилиши, ижтимоий ҳаётини эркинлаштириш жараёнида одамнинг ўзи ҳам, унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгариб бораётганлиги объектив қонуниятга айланиб бормоқда. Бинобарин, "ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамфакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш"¹ муҳим ижтимоий аҳамият касб этади.

Миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши муносабати билан инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари муаммоси янги ижтимоий-иқтиносидий ва сиёсий асосга қўйилди. Шахс эҳтиёжлари ва уларнинг қондириш жараёнларини янгича тадқиқ этишининг зарурияти қўйидаги объектив ва субъектив шарт-шароитлар билан боғлиқдир:

Биринчидан, Ўзбекистон тараққиётининг стратегик мақсади инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳар томонлама барқарорлаштириш, изчили ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш, эркин ва фаровон ҳаёти бунёд этишдан иборатдир;

Иккинчидан, миллий ривожланиш жараёнида жамият ва шахс манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг ўзаро алоқадорлиги ва уйғуналигини таъминлаш зарурияти қонуний тус олади;

Учинчидан, баркамол авлодни вояга етказиш авваламбор унда маънавий фазилатларни қарор топтириши тақозо қиласи. Бунда унинг эҳтиёжлари тизимида оқилона меъёрлар, тамойиллар белгиловчи роль ўйнайди;

Тўртинчидан, ислоҳотлар кўламининг мураккаблиги субъектларнинг ранг-баранг ва кўп қиррали фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлими билан қурамиз. - 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон. - 1999. - 381-6.

бу жараённи миллий манфаатлар, миллий истиқлол ғояси асосида назарий-фалсафий тадқиқ этишни тақозо қилади.

Мавзунинг ишланганлиқ даражаси. Эҳтиёжлар инсоният тарихининг барча босқичларида энг долзарб илмий-амалий муаммо сифатида тадқиқотчилар диққат-эътиборини жалб этиб келган. Улар қадимги Шарқ, Европа, Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан жамият ва инсон ҳаётий фаолияти тушунчаси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган.¹ Яқин ва узоқ хорижда чоп этилган ижтимоий-фалсафий ва социологик адабиётларда улар инсон фаолиятининг моҳиятини ифодалайдиган категория тарзида кўриб чиқилган. Бу муаллифлар шахс эҳтиёжи ҳамда уни қондириш масаласини қиёсий таҳлил қилишга қўпроқ эътибор беришган. Уларнинг фикрича, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда шахс эркинлигини тўла таъминлашга имконият чегараланганини, бунга шу давлатлардаги иқтисодий танглик, экологик ва демографик вазиятлар ҳам таъсир этиши таҳлил этилади.²

Эҳтиёжлар муаммосига бағишлаб кейинги чорак аср давомида яратилган адабиётларда шахс эҳтиёжларининг ранг-бараң жиҳатлари турли даражада таҳлил қилинди. Уларда бир бутун жамият эҳтиёжлари ҳам, шахс эҳтиёжларининг ўзаро ички алоқадорлик хусусиятлари ҳам, умуман эҳтиёжларни маълум даражада туркумлашга интилиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Эҳтиёжларнинг ижтимоий-иқтисодий ва психологик муаммолари М.А.Абдуллаев, Ў.Абилов, В.С.Барулин, А.Г.Здравомислов, Ш.Жалилов, И.Искандаров, Б.М.Левин, А.Н.Леонтьев, И.Саифназаров, П.В.Симонов, А.Г.Спиркин, В.И.Тарасенко, Н.Тўхлиев, Р.Убайдуллаева,

¹ Карапг: Авесто и его место в истории развития человечества. - Ташкент-Ургенч: Фан. - 2001; Человек. (Мыслители прошлого и настоящего о его жизни, смерти и бессмертии). - М.: Политиздат. - 1991; Мир философии. ч.2 (Человек, общество, культура). - М.: Политиздат. - 1991; Аристотель. Политика.// Соч. т.4. - М.: Мысль. - 1984; Бруно Дж. Тайны Пегаса.// Диалоги. - М.: Госполитиздат. - 1949; Гоббс Т. Человеческая природа.// Изб. соч. т.1. - М.: Мысль. - 1964; Гельвеций. О человеке.// Соч. т.1. - М.: Мысль. - 1974; Кант И. Всеобщая естественная история и теория неба.// Соч. т.1. - М.: Мысль. - 1963; Гегель. Философия права.// Соч. т.7. - М.: Мысль. - 1990; Тейяр де Шарден. Феномен человека. - М.: Наука. - 1987; Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Халқ мероси. - 1993; Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. - 1-жилд. - Т.: Халқ мероси. - 1993; Мұхаммад ал-Фаззолий. Қимін саодат. - Т.: Камалак. - 1995; Кошифий Ҳусайн Воиз. Футуватнома сүлттоний ёхуд жавонмардлик таріқати. - Т.: Халқ мероси. - 1994; Кайковус. Қобуснома. - Т.: Халқ мероси. - 1994; Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. - Т.: Фан. - 1991; Дениш Аҳмад. Наводирул вақоғ. - Т.: Фан. - 1964; Авлоний Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи. -1992 ва бошқалар.

² Карапт: Проблема человека в западной философии. - М.: Прогресс. - 1988; Фрейд З. Неудовлетворенность культурой.// Мир философии. - М.: Политиздат. - 1991; Джемс У. Личность.// Психология личности. - М.: Педагогика. - 1982; Швейцар А. Культура и этика. - М.: Наука. - 1973; Камю А. Бунтующий человек.// Человек и его ценность. - ч.1 М.: Политиздат. - 1988; Рассел Б. Почему я не христианин. - М.: Политиздат. - 1987; Maslow A. Motivation and personaliti. - N.Y.: 1970; Streeten, Paul, with Shahid Javed Burkli, Mahbub ul Haq, Norman Hicks and Frances Stewart. - 1981; First Things First: Meeting Basic Needs in the Developing Countries. New York: Oxford university Press. - 1999; Малик Н. Центральная Азия: ее стратегическое значение и будущие перспективы. - London. - 1994; Ким У Жунг. Бизнесники буюк олами. - Т.: Ўзбекистон. - 1994; Номан Омон. Ништа переходного периода. - ПРООН. Нью-Йорк. - 1998 ва бошқалар.

М.Холматова, А.Үлмасов, М.Шарифхўжаев, Х.Шайхова, С.Шермуҳамедов каби олимлар томонидан ўрганилган.¹

Эҳтиёжларнинг маънавий-ахлоқий ва эстетик мөҳиятини тавсифлашга М.Абдуллаев, Ф.Абдураҳмонов, О.Атаева, М.Афасижев, И.Джидарян, И.Каримов, Т.Махмудов, Қ.Назаров, А.Уледов, Э.Умаров, А.Цай, А.Эркаев ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишиланган.² Уларда бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида шахс фаолияти ва эҳтиёжининг ўзгариб бориши, маънавий ва моддий эҳтиёжлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутли жиҳатлари, ўзаро мос келиши шахснинг ички руҳий ҳолати, дунёқарashi, тафаккур тарзи, иродаси, характеристики ҳамда муайян вазиятга боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритилади. Маънавият тубан жойда оқилона эҳтиёж, моддий бойликларга соғлом муносабат бўлмаслиги илмий ифодаланади. Шунингдек, бу муаллифлар Президент И.А.Каримов томонидан ана шу жиҳатлар чуқур ва оқилона идрок этилгани, унинг "маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблагни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир",³ деган қатъий мавқеда событ тургани учун ҳам республикамиз аҳолиси маънавиятини такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотларга эътибор берилмоқда, деган фикрдалар. Бундай эътибор туфайли ҳалқимизнинг асл моддий ва маънавий қадриятлари, энг аввало, миллый ва диний қадриятлари ўзининг ҳаётий мақомини эгаллай бошлаганлигини таъкидлашади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёзилган диссертацияларда эса шахс эҳтиёжлари алоҳида тадқиқот обьекти сифатида эмас, балки бошқа ижтимоий-сиёсий, фалсафий муаммолар билан боғлиқ ҳолда

¹ Караган: Абдуллаев М.А. Фалсафа ва фаннинг методологик муаммолари. - Т.: Ўзбекистон. - 1999; Абилов Ӯ. Ўзбекистон тараққиётининг оптимиستик руҳи. - Т.: Истиқлол. - 2003; Барулин В.С. Социальная философия. - М.: Гранд. - 1999; Заражомыслов А.Г. Потребности, интересы, ценности. - М.: Политиздат. - 1986; Жадиев Ш. Кучли давлатдан кучли жамият сари. - Т.: Ўзбекистон. - 2001; Искандаров И.И. Мустақиллик ва иқтисодий интеграция // Мулоқот. - 1998. - 4-сон. - 15-17-б.; Левин Б.М. Социально-экономические потребности: закономерности формирования и развития. - М.: Наука. - 1994; Леонтьев А.Н. Потребность, мотивы и эмоции. - М.: Наука. - 1994; Сафифазаров И. Иқтисодий ва маънавий манбаатлар уйгунилиги ва барқамол инсон тарбияси. - Т.: Янги аср авлоди. - 2002; Симонов П.В., Ермов П.М., Вяземский Ю.П. Происхождение духовности. - М.: Наука. - 1989; Спиркин А.Г. Философия. - М.: Гардарики. - 2000; Тарасенко В.И. Социальные потребности личности: формирование, удовлетворение, развитие. - Киев: Наукова думка. - 1982; Тўхлиев Н., Таксанов А. Ўзлуксиз ривожланиш одимлари. // Жаҳон адабиёти. - 2001. - 9-сон; Убайдуллаева Р. Воздействие рыночных отношений на экономическую активность населения. // Общественные науки в Узбекистане. - 1994. - №6; Холматова М. Оиласий муносабатлар маданияти ва согласно авлод тарбияси. - Т.: Ўзбекистон. - 2000; Үлмасов А. Иқтисодиг' асослари. - Т.: Меҳнат. - 1997; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ҷ. Менежмент. - Т.: Меҳнат. - 2000; Шайхова Х., Назаров Қ. Қадриятлар ва ёшлил мазнавий камолоти. - Т.: ТошДАУ. - 1994; Шермуҳамедов С. Биз қандай жамият курмокдамиз. - Т.: Ўзбекистон. - 1999.

² Караган: Абдуллаев М. Эстетическая культура. - Т.: Фан. - 1991; Абдураҳмонов Ф. Мустақиллик ва миллый манбаатлар. - Т.: Фан. - 1994; Атасева О. Образ жизни и развитие духовных потребностей. - Т.: Фан. - 1976; Афасижев М.Н. Эстетические потребности личности человека. - М.: Наука. - 1979; Джидарян И.А. Эстетическая потребность. - М.: Наука. - 1976; Каримов И. Маънавият, фалсафӣ ва ҳаёт. - Т.: Фан. - 2001; Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. - Т.: Шарқ. - 1993; Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. - Т.: Маънавият. - 1998; Уледов А. Духовное обновление общества. - М.: Мысль. - 1990; Умаров Э. Эстетика. - Т.: Ўзбекистон. - 1995; Пай А.В. Материальная культура в свете современной эстетики. - Т.: Фан. - 1994; Эркаев А. Маънавият - миллат нишони. - Т.: Маънавият. - 1997 ва бошкалар.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллый истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. - Т.: Ўзбекистон. - 1996. - 81-б.

тадқиқ әтилганлигини күрамиз.¹ Уларда илгари сурилган күпгина фикр ва мулоҳазалардан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс эхтиёжларининг оқилона ва нооқилона томонлари диалектикаси Т.Абдуллаев, Ё.Абдуллаев, С.Абдухоликов, Е.А.Довченко, А.В.Мялкин, Н.Ф.Наумова, Ф.Садиков, С.Хан, Б.Шарипов каби олимлар томонидан ҳам қисман ўрганилган. Бу олимлар оқилона шахсий эхтиёжларни мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар табиатидан келиб чиқиб, таҳлил қиласидар ва унинг ахлоқий, ақлий, маънавий мезонларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаб, бу жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр билдиришади.²

Юқоридаги тадқиқотлар кўрсатадики, шахс эхтиёжлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятларининг у ёки бу жиҳатлари алоҳида тарзда ўрганилган. Шу боис, бу муаммони кенг ижтимоий ходиса сифатида тадқиқ этиш фалсафанинг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертацияда кўзда тутилган асосий **мақсад** - Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши, ижтимоий ҳаётда мулкчилик хилма-хил шаклларининг қарор топиши шароитида шахс эхтиёжлари социодинамикаси моҳияти ва мазмуни, таркиби ва ҳусусиятларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишdir. Мазкур мақсад қўйидаги **вазифаларни** бажаришни тақозо этади:

- эхтиёж тушўнчасини янги давр ва илмий-назарий қарашлар нуқтаи назаридан таҳлил этиш;
- шахс эхтиёжларининг жамият эхтиёжлари тизимидағи ўринини очиб бериш;
- шахснинг оқилона эхтиёжлари шаклланиши қонуниятларини, эхтиёжларни қондириш омиллари ва уларнинг ижтимоий муносабатлар билан диалектик алоқаларини ўрганиш;
- бозор муносабатларига ўтиш жараённада шахс эхтиёжлари тизимининг ўзгариши ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш;
- шахс моддий ва маънавий эхтиёжларининг ҳусусиятларини миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан таҳлил этиш;

¹ Сафаров А.У. Формирование разумных потребностей - необходимое условие активизации человеческого фактора. Автореф. дисс... канд. филос. наук. - Т.: 1990; Туйчиева С.С. Диалектика развития активности человека в сфере духовной жизни. Автореф. дисс... канд. филос. наук. - Т.: 1994 ва х.к.

² Карапсин: Абдуллаев Т. Национальное и интернациональное в сфере быта. - Т.: Фан. - 1991; Карапсин: Абдуллаев Ё.Бозор иқтисодиётига асослари. - Т.: Мехнат. -1997; Абдухоликов С. Эхтиёж ва манфаат нима //Иқтисод ва ҳисобот. - 1998. - 4-сон; Довченко Е.А. Формирование разумных потребностей личности. - Киев: Наукова думка. - 1984; Мялкин А.В. Способности и потребности личности. - М.: Мысль. - 1983; Наумова Н.Ф., Роговин В.З. Культура разумного потребления. - М.: Педагогика. - 1987; Садиков Ф. Критерий разумных потребностей.//Вопросы философии. - 1995. - №1; Хан С. Социология. - Т.: Адолат. - 2001; Шарипов Б. Эркинлаштириш ва маънавият.//Жамият ва бошқарув. - 2001. - 3-сон ва бошқалар.

- "одам", "индивид", "инсон", "шахс" тушунчаларини миллий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан қараб чиқиши;
- заруритат, манфаат ва эҳтиёж ўртасидаги диалектик алоқалар ва муносабатларни аниқлаш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

- "эҳтиёж", "шахс эҳтиёжлари" тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан ўрганилди;
- янгиланашётган жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари тизимида шахс эҳтиёжларининг тутган ўрни, ўзига хос мавқеи тавсифланди;
- миллий истиқлол мағкураси билан шахс эҳтиёжларининг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилди;
- бозор муносабатлари шароитида шахс ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий-маънавий фаоллигининг эҳтиёжлар асосида шаклланиш қонунлари аниқланди;
- шахснинг оқилона эҳтиёжлари, уларнинг тизими, мазмунан бойиши ва уларни қондиришининг ижтимоий механизмлари очиб берилди;
- баркамол авлоднинг шаклланиши шахс эҳтиёжларининг ранг-баранглигига, социодинамик ўзгаришларга мослигига боғлиқлиги асослаб берилди;
- шахс эҳтиёжлари таркибида оқилоналик мезбинининг асосий талаблари аниқланди, уларнинг тақомиллаштиришининг ижтимоий-сиёсий, иктисодий ва маънавий механизмлари ўрганилди ва шу асосда амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хужжатлари, Республикализ Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол, маънавият, ислоҳотлар, бозор иктисадиётининг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган асарлари, нутқ ва мақолалари, турии учрашувларда баён этган тадқиқотимиз учун концептуал аҳамиятга эга фикрлари, жаҳон, Шарқ, Европа ва Марказий Осиё фалсафий тафаккурининг муаммога даҳлдор илмий-назарий концепциялари ташкил этади. Диссертацияда шахс фаолиятининг моҳияти тўғрисидаги умумсоциологик назариялардан, ҳозирги замон файласуф, иктисадчи, социолог, психолог олимларнинг мавзуга оид фикрларидан фойдаланилди. Тадқиқотнинг методларини фалсафий тафаккурнинг объективлик ва ўзаро алоқадорлик, конкретлилик ва нисбийлик, субъект ва обьект диалектикаси, тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик каби илмий методлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида шахс эҳтиёжларининг ижтимоий-фалсафий ва назарий таҳлили берилди, жамият ва шахс эҳтиёжлари ўртасидаги ўзаро

диалектик алоқадорлик, оқилона ва нооқилона эҳтиёжларнинг субъектив ва объектив омиллари илмий-назарий асосланди.

Диссертациянинг амалий томони шундаки, унда ишлаб чиқилган хуоса, таҳлил, тавсиялардан, эришилган натижалардан комил инсон тарбияси билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар, муассасалар ўз фаолиятларида кенг фойдаланишлари мумкин. Диссертациянинг тавсиялари моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш бўйича қўлланмалар, дастурлар, амалий режалар тайёрлашда, шунингдек жамият миқёсида оқилона эҳтиёжлар маданиятини таркиб топтириш борасидаги ишларда амалий аҳамиятга эгадир. Диссертация муаллифи тадқиқот натижалари асосида "Миллий мустақиллик - шахснинг оқилона эҳтиёжларини шакллантириш ва такомиллаштиришининг кафолати" маҳсус ўқув курси дастурини тайёрлаган ва Фарғона Давлат университети талабаларига "Маънавият дарслари"ни ўқитиш жараёнига қўлллаган. Ишнинг асосий қоида ва назарий хуосаларидан "Фалсафа", "Маданиятшунослик", "Социология", "Эстетика", "Маънавият асослари", "Психология", "Иқтисодиёт назарияси" каби фанлардан маърузалар ўқиш, амалий машғулотларни ташкил этишда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг синовдан ўтказилиши. Тадқиқот натижалари диссертантнинг педагогик фаолиятида, илмий журналлarda чоп этилган 6 та мақолосида, ФДУнинг антавиавий илмий конференция (1998-2002) ларида, "И.М.Мўминов ва истиқлол даври фалсафаси" (Самарқанд, 1998); "Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги" (Фарғона, 1999); "Ўзбекистон мустақиллиги - унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати" га бағищлаб Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат комитети билан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ОАК ҳамкорликда ўтказилган коллоквиум (1998) ва илмий конференцияда (1999); "Миллий истиқлол ғояси ва мағкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар" (Тошкент, 2001); "Экология ва аёл" (Фарғона, 2001) "Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари" (Тошкент, 2002) га бағищланган республика ва ҳалқаро илмий анжуманларда баён этилган.

Диссертация Фарғона Давлат университети "Фалсафа" кафедрасининг ижтимоий фанлар кафедралари иштирокидаги кенгайтирилган қўшма йиғилишида (2001 йил 15 март), ЎзРФА И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти Социология ва сиёсатшунослик бўлимни йиғилиши (2002 йил 3 май) да, Тошкент давлат иқтисодиёт университети (2002 йил 13 май) ва Тошкент автомобил йўллари институти (2002 йил 24 май) "Фалсафа" кафедралари қошидаги илмий семинарларда муҳокамадан ўтган, маъкулланган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Диссертациянинг тузилиши. Тадқиқот "Кириш", икки боб, тўрт параграф, "Хулоса" ва "Фойдаланилган адабиётлар" рўйхатидан иборат.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмida танланган мавзунинг долзарбилиги, муаммонинг илмий тадқиқ этилганлик даражаси, тадқиқотнинг назарий-методологик асослари, мақсад ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, шунингдек, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, синовдан ўтказилганлиги баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби - "**Шахс эҳтиёжлари тизими, уларнинг фалсафий моҳияти ва шаклланиши**" - икки параграфдан иборат бўлиб, унда эҳтиёж тушунчасининг илмий-назарий масалалари тадқиқ этилади.

Биринчи параграф "**Шахс эҳтиёжлари тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили**" деб номланади. Ушбу қисмда "**эҳтиёж**" тушунчасига оид тарихий ва замонавий қарашларнинг таҳлили баён этилиб, тадқиқотчининг ўз нуқтаи назарлари асосланади.

Эҳтиёж ҳақидаги назарий-фалсафий қарашлар таҳлили шуни кўрсатадики, эҳтиёж инсоннинг табиат ва жамиятга муносабатини ифода этади. "**Эҳтиёж**" тушунчаси ижтимоий маъно касб этиб, ҳаракатнинг икки - биологик ва ижтимоий шакллари ўртасидаги табиий борганишни акс эттиради. Унинг воситасида субъектнинг фаолияти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имкони туғилади. Уюшганлик даражасига қараб, инсон шахси, одамларнинг жамоалари (оила, ургу, қабила, халқ), жамиятдаги ижтимоий қатлам ёки ижтимоий гуруҳлар (синф, қатлам, миллат, касб-кор, гуруҳлар, авлодлар), ижтимоий тизимлар, ижтимоий муассасалар (маориф, маданият тизимлари, давлат ва ҳ.к.) ва ниҳоят, бутун инсоният жамияти эҳтиёжнинг субъекти бўлиши мумкин.

Мавжуд илмий тадқиқотларга суняган ҳолда, диссертацияда инсоннинг ҳаётий фаолияти унинг нафақат яшashi, балки доимий ўзгариши ва ривожланишини таъминлайдиган жараёндир, деган концепция илгари суриласди. Эҳтиёж билан фаолият ўртасида доимий равишда икки томонлама, бир-бирини тақозо этувчи диалектик алоқадорлик мавжуд. Эҳтиёж фаолият манбаидир, у шахсни ҳаракатга келтиради. Демак, эҳтиёж инсон фаолиятининг биринчи сабаби ва унинг умумий асосидир. Айни бир вақтда фаолият натижаларининг ўзи янги эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади.¹

Ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва алоҳида индивидлар томонидан умумманфаатларни англаб етиш уларнинг эҳтиёжлари оқилона изга тушишига сабаб бўлади. Шу маънода эҳтиёж ва манфаат тушунчалари

¹ Каримов И. Мазнавият, фалсафа ва ҳаёт. - Т.: Фан. - 2001. - 80-б.

ўзаро диалектик алоқадорликда бўлади. Манфаат конкрет фаолият, шунингдек, амалга оширилган ишларнинг ички сабабларини гавдалантиради, айни вақтда эҳтиёжнинг мазмун ва йўналишини белгилайди.

Диссертацияда "шахс" тушунчаси билан боғлиқ **"одам"**, **"индивид"**, **"инсон"** каби тушунчалар эҳтиёжлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Унда "шахс эҳтиёжлари" ва "шахсий эҳтиёжлар" тушунчалари ўртасидаги алоқадорлик очиб берилади. Муаллифнинг фикрича, бу тушунчалар умумий бўлса-да, ҳаракат доираси, мазмуни ва йўналиши жиҳатидан муайян тафовутларга ҳам эгадир.

"Шахс эҳтиёжлари" тушунчаси мазмунан кенг бўлиб, мантиқан шахсга хос умумийликни акс этади. Унда муайян жамиятда яшётган барча шахсларга хос эҳтиёжларнинг умумий мөҳияти ифодаланади. **"Шахсий эҳтиёжлар"** тушунчаси юқоридаги умумийликнинг алоҳида индивид, шахс эҳтиёжларида конкретлашувининг ўзига хос намоён бўлишидир. Шу маънода шахсий эҳтиёжлар билан ижтимоий зарурият ўзаро мос келиши ёки бир-бирини рад этиши ҳам мумкин. Шахс хулк-атворида унинг жамиятга ва эҳтиёжга бўлган муносабати аниқ намоён бўлади. Шахс моддий эҳтиёжлар ёки энг оддий етишмовчилик таъсири остида фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, у ўзининг юқори, маънавий эҳтиёжи таъсири остида моддий эҳтиёжларга қарама-қарши туришга ҳам қодир. Бу шахснинг ички руҳий ҳолати, дунёқараши, тафаккур тарзи, иродаси ва характеристига ҳамда муайян вазиятга боғлиқдир.

Шахс эҳтиёжлари ва феъл-атворининг шаклланиши ижтимоий муҳит маҳсулитигина эмас, у шахснинг менталитети, турмуш тарзи, жамиятнинг маънавий маданияти, турли ижтимоий гурухларнинг ижтимоий психологияси ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда қарор топади.¹ Шахснинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётга аралашувида унинг ўз маънавий эҳтиёжлари ривожланганлиги ва воқеликка муносабати муҳим аҳамияти касб этади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи **"Шахс эҳтиёжлари тизимининг шаклланиши ва ривожланиши"** деб номланади. Унда шахс эҳтиёжлари яхлит тизим сифатида қаралади.

Диссертацияда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва мулкдорлар синфининг вужудга келиши, умуман жамиятнинг мулкий табақаланиши натижасида эҳтиёжлар тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берганлиги таҳлил этилади. Бозор муносабатларининг шаклланиши жараёни тадбиркорлар, ишбилармоналар тоифасияни вужудга келтирди. Уларнинг эҳтиёжлари истеъмол қилиш қобилияти билан динамик боғлиқ равишда ўсиб боради. Бу бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқувчи қонуний ҳолдир.

¹ **Барулии В.С.** Социальная философия. - М.: Гранд. - 1999. - С.379.

Мутахассислар томонидан ўтказилган тадқиқотлар бу соҳада аҳолининг уч гуруҳи эҳтиёжларини белгилашда ёрдам беради: биринчи гуруҳга зарур пул заҳираларига эга бўлган кишилар киради, бундайлар сўровда қатнашган респондентларнинг 12 фоизидан сал ошикроғини ташкил этади. Шунга кўра, 10 фоиздан кўпроқ фуқароларимизнинг пули зарур озиқ-овқатга этади, бундай ташқари, улар нархи баланд озиқ-овқат маҳсулотларини, қимматбаҳо чет эл кийимларини ҳам бемалол харид қила оладилар. Иккинчи гуруҳ ўрта даражадаги турмуш шароитларига эга бўлиб, уларнинг пул даромадлари фақат озиқ-овқатга, энг зарур кийим-кечакга этади. Булар сўралгандарнинг 45 фоизини ташкил этади. Жавобларнинг учинчи гуруҳи 43 фоиздан сал зиёдроқ бўлиб, уларнинг пули ҳатто энг зарур озиқ-овқатга ҳам етмайди.¹

Ана шундай табақаланиш шахсий эҳтиёжлар тизимиға ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Натижада шахс эҳтиёжларини қондириш тизимида қонуний равища ўзгаришлар рўй беради. Буни ўз эҳтиёжларини қондира олиш даражасига, ижтимоий гуруҳлар манфаатларига боғлиқ равища қўйидагича тавсифлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга мансуб шахслар эҳтиёжларни қондириш учун бир қадар реал моддий имкониятларга эга бўлади. Бу жараёнда эҳтиёжлар шахсий манфаат ва интилишлар билан биргаликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи, у тадбиркорлар, ишбилармонларни янгидан-янги яратувчилик фаoliyatiga рағбатлантиради.

Иккинчи гуруҳда аҳолининг эҳтиёжлари муайян нарсага, нознеъматларга, товар-буюмларга бўлган талаби асосида шаклланади. Бу гуруҳдаги аҳоли ўзининг шахсий эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларнинг фақат қийматини тўлашга қодир бўлади. Аммо ишлаб чиқариш даражасининг етарли эмаслиги ва ишлаб чиқилган маҳсулотлар сифатининг натижасида жамиятда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат бузилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бунга асло ўйл қўйиб бўлмайди. Бинобарин, эҳтиёжнинг бу тизими аниқ тўловга қодир бўлади, бу қўпчилик аҳолининг талаб-эҳтиёжига асосланади ва бозор ривожланишига фаол таъсир кўрсатади.

Аҳолининг бу гуруҳи эҳтиёжларини атрофлича ўрганиш бозор иқтисодиёти шароитига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг энг муҳим моддий базаси бўлиб хизмат қиласи. Маълумки, республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишининг **биринчи босқичида** кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик анча ривож топди. 1991-1995 йилларда уларнинг сони ўртача 40 фоизга ўсди. Иқтисодий ислоҳотларнинг

¹ Карапсин: **Хоабеков А.** Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнда ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари (сиёсий-социологик таҳлил). - Соц.ф.д-ри... автореферати. - Т.: 2001. . 44-б.

иккинчи (1996-1997) босқичида бу соҳанинг ривожланиши бирмунча сусайди. Йиллик ўсиш 1996 йилда 1995 йилга нисбатан 120 фоиз бўлса, 1997 йилда 1996 йилга нисбатан 14 фоизга камайди. 1996-1999 йилларда бундай корхоналарда ишловчиларнинг сони бирмунча қисқариб, 1998 йили 1995 йилда эришилган даражанинг 54 фоизи қолди. 1999 йилда уларнинг сони 36 фоизга камайиб кетди. 2000 йилнинг бошлирига келиб 159719 кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектларидан 125719 таси, яъни 78,6 фоизи хизмат кўрсатди. 2001 йилда бу кўрсаткич 183000 га етди, ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 21,6 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келди.¹

Учинчи гуруҳда аҳолининг муйян маҳсулотларга, нознеъматларга, нарсаларга бўлган эҳтиёжларини бирданига қондириш имконияти чекланган бўлиб, дарҳол тўлов учун етарли маблағ мавжуд эмас. Бу ерда мавжуд маҳсулотга шахсий эҳтиёж бошқа эҳтиёжларга нисбатан устун туради. Бу гуруҳдаги аҳоли учун янги эҳтиёж шахсий даромадни кўпайтириш учун рағбатлантирувчи ва қўзратувчи омил сифатида хизмат қиласиди.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадлари 1992 йили олдинги йилга нисбатан 68,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 1999 йилга қарагандан 124,7 фоизга ўди. 1995 йилга нисбатан аҳоли реал даромадлари ўсиши кузатилмоқда. Бироқ, тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганидек, бу ўсиш ҳозирча қониқарли эмас ва фоят нотекис. 2001 йил бошидаги ҳолатга кўра аҳоли пул даромадлари таркибида меҳнат ҳақи 36,5 фоизни, тадбиркорлик даромадлари 26,5 фоизни, стипендия ва нафақалар 12,1 фоизни, томорқа даромадлари 16,0 фоизни, якка тартибдаги меҳнат“фаолияти даромадлари 5,9 фоизни ташкил этди.²

Тўртинчи гуруҳдаги аҳоли ўзининг янги маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёки моддий жиҳатдан тўловга қодир эмас. Бу гуруҳдаги аҳоли аксарият ҳолларда кам даромадли, иш ҳақи паст бўлган хўжалик соҳаларида меҳнат қиласиди. Уларнинг меҳнат шароити, меҳнат характеристи, мазмуни, маданий-техникавий савиёси ишлаб чиқаришнинг шу соҳалари имкониятлари билан белгиланади. Шу сабабли уларнинг эҳтиёжларини қондиришда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий муҳофаза муйян даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бозор муносабатлари шароитида оқилона эҳтиёжлар ва уларнинг шахс ижтимоий-маънавий фаоллигига таъсири”** деб номланади, унда янги ижтимоий муносабатлар қарор топиши жараёнида бозор иқтисодиётининг эҳтиёжлар тизимига, шу асосда шахснинг ижтимоий-маънавий фаоллигини оширишга таъсири таҳлил этилади.

¹ Қаранг: Жамият ва бошқарув. - 2001. - 3-сон. - 58-59-6.

² Ўша жойда. - 52-57-6.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи "Шахс фаолиятида оқилона эҳтиёжларнинг ўрни" деб аталиб, унда мустақиллик туфайли таркиб топаётган янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий мухитда оқилона эҳтиёжларни шакллантириш муаммолари, уларни ҳал этишининг халқимиз турмуш тарзига самарали таъсири ўрганилади.

Диссертацияда оқилона эҳтиёжлар муайян ижтимоий яхлитликни ташкил этувчи инсоннинг табиати, унинг дунёкараши билан боғлиқ бўлган ҳаётий моҳияти, онгли фаолияти, маънавий-руҳий ва ижтимоий хусусиятидан келиб чиқсан эҳтиёжлар, деб таърифланади. Фикримизча, оқилона шахсий эҳтиёжларда иқтисодий омил инкор этилмаган ҳолда унинг ахлоқий, ақлий, маънавий мезонлари асосий ўрин тутади. Бинобарин, шахс ўз эҳтиёжларини ақлий жиҳатдан ҳар томонлама англаб етиши, уларнинг муҳим ва номуҳим жиҳатларини ажратса билиши, мавжуд шартшароит ва имкониятлар табиатидан келиб чиқиб, муайян хатти-ҳаракат қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Оқилона эҳтиёжлар, биринчидан, шахс ҳаётий фаолиятининг ички мазмунига мувофиқ келиши; иккинчидан, инсонга ҳар томонлама камол топа олишга имкон бериши; учинчидан, жамият эҳтиёжлари билан уйғулашмоғи, унинг манфаатларига зид келмаслиги зарур.

Диссертацияда учинчи омилга эътироуз билдирилиб, барча оқилона эҳтиёжлар жамият эҳтиёжларига истисносиз тарзда зид келмаслиги зарур, деб қараш ҳақиқатга уччалик тўғри келмайди, деган фикр илгари сурлади. Диссертантнинг фикрича, оқилона эҳтиёжлар ижтимоий эҳтиёжлар мазмунига мувофиқ бўлавермаслиги ҳам мумкин. Шахс эҳтиёжлари ижтимоий эҳтиёжлар даражасидан юқориляб кетиши ёки орқада қолиши мумкинлиги ҳақидаги масала ана шундай мантиқий хуолосага олиб келади. Шунга кўра, жамият эҳтиёжларига мос келмайдиган барча эҳтиёжларни беистисно нооқилона эҳтиёжлар деб бўймайди.

Баъзи тадқиқотларда оқилона эҳтиёжлар мезони жамиятнинг тараққиёт даражаси билан боғлиқ ҳолда белгиланади.¹ Дарҳақиқат, ҳар қандай эҳтиёж ижтимоий мухит билан боғлиқ. Аммо шахснинг оқилона эҳтиёжлари жамиятнинг айни пайтдаги тараққиёт даражасига мос келмаслиги ҳам мумкин, шу нуқтаи назардан бозор иқтисодиётига ўтиш жараённинг шахс эҳтиёжларини қондиришда баъзи мураккабликларнинг келиб чиқиши табиий.

Диссертацияда оқилона эҳтиёжлар фақат жамиятнинг муайян тарихий даврдаги тараққиёти билангира эмас, балки инсон руҳияти, маданияти, маънавияти, интилишлари, шахсий сифатларига ҳам боғлиқдир, деган хуолоса берилади. **Оқилона эҳтиёжлар дегандা,**

¹ Содиков Ф.В. Критерий разумных потребностей личности. // Вопросы философии. - 1985. - N 1. - С.47.

шахснинг маълум эзгу мақсад билан яшашидан келиб чиқадиган, унинг олижаноб ва меҳнатсевар, имонли ва виждонли, маънавий пок ва етук инсон бўлиб шаклланишини таъминлайдиган, бинобарин, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қиласидиган меҳнат ва унинг воситасида қондириладиган эҳтиёжлар тушунилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади - ҳалқимизга муносаб шароит яратишдан иборат экан, бу, ҳар бир фуқаро оқилона эҳтиёжларининг шаклланиши ва уларни қондиришнинг моддий негизи ҳисобланади.

Оқилона эҳтиёжларнинг қарор топишида хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши моддий асос бўлиб хизмат қиласиди. Чунки ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган хусусий мулк шахснинг эҳтиёжларини моддий ва маънавий жиҳатдан қондиришда реал имкониятларни вужудга келтиради. Ўзини мулкдор, мулк соҳиби, ўз ҳалол меҳнати билан ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг зоҳирий-маънавий куч-ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, оқилона эҳтиёжларининг қарор топишига замин бўлади.¹ Хусусий мулк ишлаб чиқариши ривожлантирувчи моддий куч ва манба бўлса, уни кўпайтиришга интилиш ҳар бир шахснинг табиий хоҳиши ва инсоний бурчидир.

Бозор муносабатларига ўтиш жараённида мулк шаклларига мувофик равишда синфлар, табақалар, тоифалар, ижтимоий гуруҳларнинг турлича фаолиятлари рӯёбга чиқади, бу эса уларнинг эҳтиёжлари тизимидағи ранг-барангликини, қондиришнинг турли хил восита ва шаклларини белгилайди. Бу нарса улар ҳаётий фаолиятининг конкрет шароити, мулкка муносабати, касб-кори, маданий-техникавий савияси, қобилияти билан боғлиқдир. Шунга қарамай, эҳтиёжларни жамият миқёсида оқилона қондиришнинг ҳал қилувчи мезон ва меъёрлари мавжуд. Булар шахснинг ҳалол меҳнатга эҳтиёжи, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда маънавий эҳтиёжлар уйғунлигини ифода этадиган, уларни қондиришнинг ахлоқий-маънавий негизлари билан узвий боғланган тамойиллар, меъёрлардир. Шахснинг оқилона эҳтиёжлари иқтисодий тараққиёт, ижтимоий сиёсат, ҳуқуқ ва маданият билан боғлиқ жараёнларда кенг акс этади.

Шахс эҳтиёжлари таркибини тўғри аниқлаш ва шу асосда адолатга асосланган ижтимоий сиёсатни олиб бориш жамият барқарорлиги ва ривожланишининг энг муҳим шартидир. Республикаимизда моддий эҳтиёжларни қондириш соҳасидаги ислоҳот ва ўзгаришлар бошқа

¹ Қаранг: Абдуллаев Е. Бозор иқтисодиёти асослари. - Т.: Меҳнат. - 1997. - 55-6.

турдаги, айниұса маңнавий әхтиёжларга устивор даражада әзтиборнинг ошишига олиб келаётгандығы мағлұм.

Шахснинг оқилюна әхтиёжларига хос әнг муҳим хусусият шундан иборатки, инсон илмий дүнекараш, юксак ахлоқый тамойиллар, хуқуқий ва сиёсий маданият асосида үзига нисбатан танқидий муносабатда бұлишини ҳам тақозо этади. Ҳар бир шахс үз әхтиёжларини қондиришда реал имкониятлар даражасида фикрлаши, вазиятни объектив бағолаши, шароитта конкрет өндешиши, реал ва нореал омылларнинг мөхиятини түғри тушуниши зарур. Бинобарин, реал имкониятлардан ажралиб қолган ҳар қандай әхтиёж оқилюна бұла олмайди. Бу нарса үтиш даврини бошидан кечираётган республикамиз ахолиси дүнекараши, манбаатлари ва әхтиёжларини белгилашда ҳам ғоят катта аҳамиятта әгадир.

Мустақиллик йилларида вужудға келған ахолини, шу жумладан, уннинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини моддий-маңнавий құллаб-құвватлашнинг үзига хос тизимининг мөхиятини шу асосда түғри тушуниш мүмкін. Сир эмаски, үтиш даврида ҳар йили давлат бюджети харажаттарининг 50 ғоизгача қисми мазкур мақсадларға сарфланды, 2,2 миллиондан ортиқ оиласа бевосита ижтимоий ёрдам күрсатылды. Ҳозирги кунда республикамизда ахолини ижтимоий химоялашға доир фуқароларнинг 14 тоифаси учун 136 турдаги нафақа күзде тутилған.¹

Расмий маълумотлар шундан далолат берады, ахолининг номинал пул даромадлари күпайиб бормоқда. 2000 йилда 1998 йилга нисбатан бу күрсатгыч 1,6 баравар ошиб, 1515,3 млрд. сүмни ташкил этди. 1999 йилда пул даромадларининг истеъмол моллари ва хизматлар нарихдан илдамроқ үсиш коэффициенти 1,25 ғоиздан иборат бўлди. Жон бошига ўртача номинал пул даромадлари 62,1 минг сўм бўлиб, 1998 йилги даражадан 1,6 баравар ўди.²

2000 йил январ ойида иқтисоднинг асосий секторларида ўртача минимал иш ҳақи 8410 сўмни ташкил этган, шундан саноатда - 6410, қишлоқ хўжалигида - 2834, транспортда - 12768, қурилишда - 12382, савдо - 6834, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотда - 6347, таълимда - 7159 сўмни ташкил этган бўлса, бу күрсатгыч 2001 йилнинг январида ўртача 12413 сўмдан, шу жумладан, саноатда - 25623, қишлоқ хўжалигида - 3965, транспортда - 19688, қурилишда - 18299, савдо - 10283, соғлиқни сақлаш - 9349, таълим соҳасида 10768 сўмдан зиёд бўлди.³

Албатта, шахснинг моддий әхтиёжларини қай даражада оқилюна қондирилаётгандығы әнг кам иш ҳақининг миқдори ёки умуман иш ҳақи ёки даромади билан ўлчанмайди. Шахсга уй-жой, медицина хизмати,

¹ Қаранг: Инсонпарвар мамлакатимизнинг инсонпарвар дастури. // Халқ сұзы, 2001, 28 декабрь.

² Қаранг: Тұхынис Н., Таксанов А. Ұзлуксиз ривожланиш одимләре. // Жаһон адабиети. - 2001. - 9-сон. - 154-б.

³ Қаранг: Экономическое обозрение. - 2001. - сентябрь. - С.76.

маълумот олиш ва малака ошириш, жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш, дам олиш, туризм каби истеъмол воситалари ва маҳсулотларига эҳтиёжларнинг ранг-барамглиги хосдир.

Диссертацияда инсон эҳтиёжларини соф маънода, яъни бошқа жараёнлардан алоҳида ажратиб олинган тарзда ўрганиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қарашлар илгари сурилади. Инсоннинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, улар бир неча йўналишда, турли шакл ва даражада муайян функцияларни бажаришини кўрамиз.

Шу нуқтаи назардан Фарғона давлат университетининг "Социология" ва "Фалсафа" кафедралари жамоалари ўтказган социологик тадқиқотларнинг натижалари, **бир томондан**, эҳтиёжлар тизимидағи мураккабликни, унда содир бўладиган ранг-барамнг алоқадорлик ва ўзгаришларни аниқлашга, **иккинчи томондан**, ҳар бир фуқаронинг шахсий эҳтиёжи таркибан диалектик ўзаро ички боғланган манфаатлар, уларнинг моҳияти ва табиатини ўрганишга, кишиларнинг эҳтиёжларга муносабатларини таҳлил қилишга имкон беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг ижтимоийлашув жараёни шахсий эҳтиёжлардан бошланади, дейиш мумкин. Кейинги 5-6 йил давомида аҳолининг айрим қатламлари - фермерлар, банк ходимлари, мактаб ўқитувчилари, транспорт ишчилари ва бошқалар (Фарғона шаҳар ва район бўйича, жаъми 362 респондент иштирок этди) билан олиб борилган кузатув ва суҳбатлар натижасида тегишли ҳолатлар аниқланди. Шахсий эҳтиёжларни фақат моддий эҳтиёжлар билан тенглаштирган респондентлар умумий сўралганларнинг 72-74 фоизини, асосан уй-рўзгор учун керакли ашъёлар билан боғлаганлар 15-16 фоизни, моддий, маънавий ва социал нуқтаи назардан баҳолаганлар эса 12-13 фоизни ташкил этганлигини кўрамиз. Эҳтиёжларга баҳо беришда респондентларнинг маълумот даражалари ижобий роль йўнади. Олий маълумотлиларнинг асосий қисми (87-88 фоиз) шахсий эҳтиёжларнинг моҳияти ва хусусиятларини тўғри тушунадилар.

Социологик тадқиқотларимизнинг иккинчи гуруҳи эҳтиёжларнинг оқилона ёки нооқилона эканлиги муаммосига йўналтирилди. Шу мақсадда Фарғона механика заводи, Тошлоқдаги ДЭУ тўқимачилик комбинати, Фарғона тўқимачилик комбинатининг Риштон филиали, Ҳамза шаҳрида жойлашган нефтни қайта ишлаш заводида (жаъми 522 нафар респондент) сўров-анкета ёрдамида ишчи-хизматчиларнинг фикрлари ўрганилди (2001 йил сентябр-октябр ойлари). Шахсий эҳтиёжларнинг оқилона мазмунини аниқлаш мақсадида 3 та савол билан мурожаат этилди: 1) "Шахснинг оқилона эҳтиёжлари, уларнинг моҳияти, мазмунини қандай тушунасиз?" 2) "Шахснинг оқилона эҳтиёжлари шаклланишининг омилларига нималар киради?" 3) "Шахснинг оқилона эҳтиёжлари таркиби ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?" Биринчи савол юзасидан олинган жавобларнинг аксариятида оқилона эҳтиёжлар

турмуш фаровонлигини таъминлаш билан боғлаб тушунтирилади. Шахснинг оқилона эҳтиёжларига таъсир этадиган омиллар ҳақида гап кетганда, асосан моддий неъматлар, биринчи галда, озиқ-овиқат маҳсулотлари билан таъминланганлик, иш ҳақини ошириш муаммоси асосий ўринни эгаллайди (80 фоиз). Айни вақтда, шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган бозорларда нарх-навонинг тўхтовсиз кўтарилиб борилиши эҳтиёжларнинг бу турига салбий таъсир этаётир (85 фоиз), деган фикр ҳам билдирилади. Учинчи саволга оқилона эҳтиёжлар фақат моддий неъматлар билан таъминланishi соҳасида содир бўлади, деювчилар респондентларнинг 90 фоизини ташкил этади.

Диссертацияда эҳтиёжларнинг оқилона бўлиши мезонлари ўз ичига иқтисодий, ижтимоий, экологик, медико-биологик ва бошқа кўрсаткичларни олиши, уларнинг ҳар бирни шахс фаолиятида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, шу маънода иқтисодий мезонлар бошқаларига нисбатан кенг ишлаб чиқилганлиги очиб берилган.

Оқилона эҳтиёжларнинг ижтимоий мезонлари иқтисодий меъёрлар билан узвий боғланган бўлсада, улар билан чегараланмайди. Улар таркибан ўз ичига **ижтимоий-синфий**, **ижтимоий-демографик**, **ижтимоий-этник**, **маънавий-ахлоқий** каби мезонларни ҳам олади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи "Шахс маънавияти ва оқилона эҳтиёжларнинг ўзаро алоқадорлиги" ни тадқиқ этиша бағишлиланган. Диссертацияда одам асосий эҳтиёжларини фақат ейишиш ва кийиниш билан чекласа, билим олишга, шахс сифатида маънавий шаклланишга, ижтимоий ҳаётга фаол аралашиб, одамлар учун керакли инсонга айланишга эҳтиёж сезмаса, бу одамнинг эҳтиёжлари, табиийки, оқилона эҳтиёжлар бўла олмайди, деган фикр баён этилади.

Демак, оқилона эҳтиёжлар фақат жамиятнинг муайян тарихий даврдаги тараққиёти билангина эмас, айни чоғда инсон руҳияти, дунёқараши, маданияти, маънавияти, интилишлари, қизиқишлари, шахсий сифатлари, кенг маънода унинг маънавиятига боғлиқдир.

Оқилона эҳтиёжларнинг мазмун-моҳияти маънавий эҳтиёжларни атрофлича таҳлил этишни тақозо қиласи. Оқилона эҳтиёжлар, биринчидан, инсонда шаклланадиган соғлом маънавий эҳтиёжлар, унинг шахс сифатида юксак ахлоқий тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир.

Шахс маънавий эҳтиёжларининг шаклланиши, уларни қондириш моддий эҳтиёжларга нисбатан анча қийин ва мураккаб кечади. "Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак, - деб кўрсатади И.А.Каримов,

- маънавият - инсонинг, ҳалқнинг, жамиятнинг, давлатнинг кучи қудратидир. У йўқ жоға ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди¹.

Иккинчидан, маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлардан фарқли улароқ, ҳар бир шахсда унинг руҳияти, дунёқараси, ахлоқий фазилатларига боғлиқ ҳолда турли даражада ва турли сифат кўрсаткичига эга бўлади. Маънавий кечинмаларда ҳар бир кишига хос тақорланмас туйғу, дид, воқеликка муносабат акс этади. Маънавий эҳтиёжлар ақлий, ахлоқий, эстетик, илмий, сиёсий, диний, фалсафий эҳтиёжларнинг мажмуасидан иборатдир. Бу жараён айрим инсонларда сезгилар, тасаввурлар, идроклар, туйгулар орқали шаклланади, бошқаларда эса тафаккур ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда кечади.

Шахнинг маънавий эҳтиёжлари ижтимоий мазмуни жиҳатидан маданият ва мағкуруни ўз ичига олади. Бугунги кунда унинг таркибида миллий ғоя асосий ўрин тутади. Бинобарин, маънавий эҳтиёжлар соғ тафаккур ҳодисаси сифатида эмас, балки моддийлашган шаклда мағкура, маданият, миллатнинг менталитети тарзида намоён бўлади. Шунинг учун мағкура, маданият ва миллий менталитет нафақат индивидуал шаклда, шу билан бирга ижтимоий қадрият сифатида ҳам намоён бўлади.

Масаланинг бу томонлари бугунги кунда жуда долзарб бўлиб, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда катта аҳамият қасб этмоқда: "Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мағкурасиз яшамаган ва яшай олмайди, - дейди Президентимиз И.А.Каримов. - Мағкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши мүқаррар."²

Инсонинг маънавий эҳтиёжлари илк бор табиий, қонуний ҳодиса сифатида рӯй берганлиги учун бу эҳтиёжлар турли давр, турли шароит ва турли хил муносабатлардан қатъий назар, ҳақиқий инсонийлик тушунчасининг таркибий қисмини ташкил этади.

Шахс туйгулари, кенг маънода олиб қаралса, нафақат маънавий эстетик эҳтиёжлар билан, балки моддий эҳтиёжлар билан ҳам боғлиқдир. Баъзи адабиётларда маънавий ҳаётнинг иккиласми ҳақидаги фикрлар илгари суриладики, маънавиятнинг бугунги концепцияси нуқтаи назаридан ўзини оқламаслиги ўз-ўзидан маълум.

Маънавий эҳтиёжларнинг оқилона кўринишларидан бири юксак ахлоқий тамойиллар асосида яшаш, меҳнат қилишда намоён бўлади. Баҳтли яшаш орзуси инсонда унга нисбатан эҳтиёжни шакллантиради. Баҳтга интилиш, баҳтли бўлиш бир қанча юксак ахлоқий фазилатларга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, мұқтисод, сиёсат, мағкура. - 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон. - 1996. - 81-б.

² Миллат истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон. - 2000. - 5-б.

эришишни тақозо этади. "Бахт-саодатга эришишнинг бирдан-бир йўли, - деб ёзган эди Форобий, - барча эзгу ишларни хайрли ниятлар или бажариш, фазилатли амалларга таяниш баробарида разолат ва бахтсизлик келиб чиқариши мумкин бўлган ишлардан ўзини тия билишдир."¹

Оқилона эҳтиёжлар билан шахс маънавияти ўртасидаги узвий алоқадорлик тўғрисида сўз боргданда, ахлоқий меъёрлар масаласи марказий ўрин тутади. Маънавиятнинг ўзагини ахлоқ, ахлоқий сифатлар ташкил этар экан, инсонга хос бўлган имон-эътиқод, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, виждонлилик сингари жуда кўплаб фазилатлар мавжудки, уларни шахсада, унинг дунёқараши ва хатти-ҳаракатларида, серқиррали фаолиятида шакллантирмасдан, такомиллаштирмасдан туриб, унинг оқилона эҳтиёжларини тавсифлаш мумкин эмас. Ваҳоланки, муайян дунёқарааш асосида шаклланадиган имон-эътиқод бу жараёнда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Диссертацияда "имонли одам инсоният, жамият, муайян маданият қадриятларига хилоф фикр, ғояларни қабул этмаслиги, имон учун курашда унинг ўзи ҳам комиллашиб бориши, имон ақлли одам онгининг атрибути эканлиги"² ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда, бир томондан, бозор муносабатларига ўтиш шароитида таъмагирлик, юргичлик, ўғрилик, порахӯрлик, тошбағирлик, қизганчиқлик каби ахлоқий-руҳий ҳолатларни, иккинчи томондан, айрим ёшларнинг ноқилона эҳтиёжларни қондиришда ортиқча нафсга берилишлари, бу нарса "шахснинг турмушига зарар етказиши, заرارланган шахслар эса жамият ривожини орқага сурини"³ ҳодисалари таҳлил этилади.

Диссертацияда маънавий эҳтиёжлар тизимида эстетик эҳтиёж, эстетик дид, эстетик фаблият, эстетик маданиятнинг ўрни ҳам тадиқ этилган.

Юқоридагиларга асосланиб, диссертацияда маънавий эҳтиёжларнинг оқилона тарзда таркиб топиши, айни вақтда, маънавий тамоиллар асосида мунтазам равишда бойиб бориши инсоннинг ижтимоий фаоллигини оширади, маънавий комилликка эришувида белгиловчи омилдир, деган фикр илгари сурилади.

Диссертациянинг **Хулоса** қисмида ёшларда оқилона эҳтиёжларни таркиб топтириш юзасидан конкрет таклифлар ва амалий тавсиялар берилади.

¹ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. - Т.: Ёзувчи. - 2002. - 12-6.

² Карапсин: Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. - Т.: Фан. - 2001. - 39-6.

³ Файзуллаев О. Нафс балоси. //Ўзбекистон овози, 2003, 9 сентябрь.

III. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қўйидаги илмий ишларида ўз ифодасини топган:

1. Шахсий эҳтиёжлар масаласига доир. ФДУ илмий хабарлар. - Фарғона. - 1997. - 3- 4-сон. - 138-141-бетлар.
2. Шахс эҳтиёжлари шаклланишининг моддий ва маънавий омиллари. //Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисод ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги. Маъruzalар тўплами. II китоб. - Фарғона. - 1999. - 280-281-бетлар (ҳаммуаллифликда).
3. Бозор муносабатларига ўтиш жараённида шахсий эҳтиёжлар. //Ўзбекистон мустақиллиги - унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати. ЎзР Фан ва техника Давлат комитети билан Олий Аттестация Комиссияси ҳамкорликда ўтказган III илмий коллоквиум. Маъruzalар тўплами. II китоб. - Т.: 1999. - 21-23-бетлар.
4. Эҳтиёж. //Гулистан, 1999. - 6-сон. - 26-27-бетлар.
5. Саломатлик эҳтиёжи. //Гулистан, 2000. - 5-сон. - 6-бет.
6. Шарқ алломалари эҳтиёж ҳақида.// Миллий истиқлол foяси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. 1- китоб. - Т.: 2001. - 46-47-бетлар.
7. Шахсий эҳтиёжлар.// Соғлом авлод учун, 2001. - 10-11-сон. - 37-41-бетлар.
8. Моддий ва маънавий уйғунлик - иқтисодий маданият асоси. // Мустақил Ўзбекистон : фалсафа фанларининг долзарб муаммолари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари асосида). Маъruzalар тўплами. - Т.: 2002. - 88-89-бетлар.
9. Маҳалла - оқилона эҳтиёжлар маскани.// Жамият ва бошқарув, 2003. - 1-сон - 78-79-бетлар.
10. Оқилона ва нооқилона эҳтиёжлар.//ФДУ Илмий хабарлар. - Фарғона. - 2003. - 1-2 сон. - 126-128-бетлар.

РЕЗЮМЕ

**кандидатской диссертации Асраровой Зулайхо Кубетдиновны
на тему: "Потребности личности и их философский анализ"**

Диссертация посвящена изучению особенностей формирования потребностей личности и путей их удовлетворения в условиях формирования рыночных отношений в независимом Узбекистане.

Структура диссертации включает в себя **введение, две главы, четыре параграфа, заключение и список использованной литературы**.

Во **введении** обосновывается тема исследования, раскрывается степень её разработанности, цели и задачи, теоретические и методологические основы исследования, научная новизна, теоретическая и практическая значимость работы.

Первая глава "**Система потребностей личности, их философская сущность и формирование**" посвящена анализу понятия потребности, её социально-философской сущности и содержания, а также их становлению и развитию как системы.

Вторая глава "**Разумные потребности в условиях рыночных отношений и их влияние на социально-духовную активность личности**" содержит исследовательский анализ с точки зрения социальной философии. Здесь раскрывается место разумных потребностей в деятельности личности, а также взаимосвязь деятельности человека и его духовных потребностей; определяется критерий разумных потребностей. В данной главе осуществляется анализ потребительского минимума на основе проведённых диссидентом конкретных социологических исследований, опросов населения, а также статистических данных.

В **заключении** делаются краткие научные выводы об особенностях потребностей личности в период перехода к рыночной экономике, даются конкретные практические рекомендации по их удовлетворению в новых условиях.